

ЮРТИМИЗ ТУРИЗМИ РИВОЖИ ЧЕТ ЭЛИК ИНВЕСТИОРЛАРНИ ЎЗИГА ЖАЛБ ЭТМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 14 апрель куни “Sea Breeze Uzbekistan” халқаро туризм марказининг мастер-режаси тақдимои билан танишди.

Мамлакатимиздаги қулай инвестиция муҳити туфайли барча соҳаларга илғор гоёлар кириб келмоқда, янги мажмуалар барпо этилмоқда. Хусусан, туризмда сўнгги йилларда 2 мингдан ортиқ янги тадбиркор иш бошлади. Ўтган йили хорижий сайёҳлар ташрифи илк бор 10 миллиондан ошди. Биргина Тошкент вилоятининг Бўстонлик ҳудудидида Амирсой ва “Ugam River” каби курортлар, “Белдирсой — Чимён — Нанай” туризм масканлари ташкил этилди.

Бундай ривожланиш суръати чет эллик инвесторларни ҳам ўзига тортмоқда. Жумладан, Чорвоқ сув омбори бўйида “Sea Breeze Uzbekistan” халқаро туризм маркази қурилиши ҳақида аввал хабар берилган эди. Бу галги тақдиротда ушбу йирик лойиҳанинг бир нечта хорижий компаниялар иштирокида ишлаб чиқилган мастер-режаси кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, туризм марказини 10 та кичик ҳудудга бўлиб қуриш кўзда тутилмоқда. Уларнинг ҳар бири пиёда бориш мумкин бўлган кўнглинчар маскан ва хизматларни қамраб олади. Икки қирғоқ ўртасида кўприк қурилиб, келувчиларга қулайлик оширилади. Сув бўйида хиёбон, пляж ва дам олиш жойлари бўлса, қияликларда меҳмонхоналар, коттежлар, уйлар, ресторан ва томошагоҳлар бўлади. Шунингдек, маданият, таълим, тиббиёт, спорт масканлари барпо этилади. Яъни бу ерда фақат саёҳат эмас, балки йил давомида яшаш имконияти ҳам яратилади.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳа барча ташриф буюрувчиларга қулай бўлиши лозимлигини таъкидлаб, мажмуани зарур инфратузилма билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР САЙЁҲЛИК МАЖМУАЛАРИ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев туризм ва бунёдкорлик лойиҳалари тақдимои билан танишди.

Шу йил 9 апрелда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари юртимизнинг бой тарихи ва маданияти, ажойиб табиатидан фойдаланиб, сайёҳларни хозиргидан 2-3 қарра кўпайтириш мумкинлигини таъкидлаган эди.

Шундай ҳушманзара жойлардан бири — Бўстонликдаги “Чорвоқ дарвозаси” мажмуаси. Президентимиз ўтган йили декабрда унинг қурилишини бориб кўрган эди, яқинда лойиҳанинг биринчи босқичи очилди. Мажмуада 16 та кўп қаватли уй, 3 та меҳмонхона, савдо ва маиший хизмат шохобчалари, кафе ва ресторандар, банк офиси, автотураргоҳ бўлади. Бинолар тепасига қуёш панеллари ўрнатилади.

Тақдиротда мажмуанинг кейинги босқичларини қуриш, сайёҳлар учун жозибдорлигини ошириш борасидаги ишлар ҳақида ахборот берилди. Уни арзон ва экологик тоза энергия билан таъминлаш учун Чирчиқ дарёсида кичик гидроэлектр станция барпо этиш мақсада мувофиқлиги таъкидланди.

Яна бир лойиҳа Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида океанариум қуришга қаратилган. Чирчиқ дарёси бўйида 20 гектарда мўлжалланган ушбу океанариум сайёҳларни жалб этадиган яна бир маскан бўлади. Ёнида савдо-меҳмонхона мажмуаси ҳам қурилиб, уларда жами 1 минг 600 та иш ўрни очилади.

Шунингдек, Яқкасарой туманида турар жой ва ишбилармонлик маскани барпо этиш мўлжалланган. Унда кўп қаватли уйлар, боғча ва мактаблар, спорт ва соғломлаштириш масканлари, меҳмонхона ва савдо офислари бўлиши кўзда тутилган.

Президентимиз лойиҳаларнинг ҳуқуқий, молиявий жиҳатлари ҳамда инфратузилма масалаларини ҳар томонлама ўйлаб, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Мутасаддиларга сифат ва мўддатни аниқ белгилаб, бажарилишини назорат қилиш топширилди.

ЎЗА

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси

Ҳар гал янги Ўзбекистондаги кенг қўламли ислохотлар натижасининг асосий омиллари, эришилган ютуқлар самараси ва истиқболларини таҳлил қилганимда, ҳаёлимдан Президентимизнинг “Тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир”, деган гапи ўтади. Бу фикрда бугун нафақат мамлакатимиз, балки дунёда кечаётган мураккаб жараёнларнинг туб моҳияти тўлиқ акс этган.

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛИ ЁШЛАР — АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ АСОСИ



“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг бош ғояси сифатида аҳоли талаблари ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим ва тарбия, тиббиёт, ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил этиш

белгиланган. Янги Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган тараққиёт йўли белгилаб берилган мазкур стратегик ҳужжатнинг биринчи мақсади айнан мактабгача таълим тизимидан бошлангани, хусусан, ушбу тизимни

янги босқичга олиб чиқиш ҳамда болаларнинг тўлиқ қамровини таъминлаш вазифаси қўйилгани диққатга сазовор.

Давоми 3-бетда



ТЎСИҚСИЗ МУҲИТ ИЖТИМОЙ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДА ҚУЛАЙ ШАРОИТ ЯРАТАДИ



Бугун Ўзбекистондаги ижтимоий сиёсат соғлиқни сақлаш, инклюзив таълим, бандликни таъминлаш, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш каби кенг қўламли йўналишларни қамраб олмақда. Фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича давлатнинг қатъий қафолатлари амал қилмоқда. Бу борадаги вазифалар Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгилаб қўйилган.

Давоми 3-бетда

“Долзарб бир ойлик” сафарбарлиги “ТОМОРҚАМИЗГА СУВ, ОИЛАМИЗГА БАРАКА КИРДИ”

Олтиариқ туманидаги “Азимобод” маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Худойберди Кодиров оиласи “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” республика танлови ғолиби бўлди.

Ёр қадрини яхши билган миришкорлар бу ютуқларга ўз-ўзидан эришгани йўқ, албатта. У мавжуд шароит ва имкониятлардан тўғри ва мақсадли фойдаланиб, фарзандларига бош бўлиб имконият қидирди, изланди. Ҳамжиҳатликда қилинган меҳнат ўз самарасини берди.



— Меҳнатларимиз бу қадар эътибор топишини кутмагандик, — дейди Худойберди ака камтарлик билан. — Бизга 40 миллион сўм пул муқофоти, хонадонимиз учун қуёш панели, сиҳаттоғга бепул йўлланма беришди. Бундан кўнглимиз кўтарилди, фахр-ифтихорга тўлди, қолаверса, катта масъулият ҳиссини юклади. Бу ерларга кўчиб келиб қўним тоғганимизга ярим асрдан ошди. Қўмлоқ ерни унумдор қилиш, сув олиб келиш осон бўлмаган. Бир қарич ерни ҳам бўш қўймаймиз. Ўзумлар орасида малина етиштирамиз, турли гул қўчатлари, лола ўстириб сотамиз. Худода шукр, кам бўлганимиз йўқ. Ҳамжиҳатликда қилинган меҳнат туфайли рўзгоримизга қут-барака кирди. Томорқадан йил давомида унумли фойдаланишга ҳаракат қилиб, 150-200 миллион сўм даромад оламиз. Оиламиздаги тўқинлик, тоғувлик ана шу меҳнат ва изланишларимиз самарасидан.

Давоми 4-бетда

КўП ҚУТБЛИ ДУНЁДА ЯНГИ ИНТЕГРАЦИОН УФҚЛАР ОЧИЛМОҚДА

Самарқанд шахрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити минтақамиз учун муҳим воқеа бўлди. Ушбу саммит Марказий Осиё давлатлари ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш, савдо-иқтисодий, транспорт, энергетика ва маданий соҳаларда алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Президентимиз “Euronews”га берган интервьюсида бу саммитнинг минтақа учун қанчалик муҳимлиги, у орқали Марказий Осиёнинг халқаро майдондаги ўрни янада мустаҳкамланаётганини алоҳида таъкидлади. Ҳақиқатан, бугунги мураккаб геосиёсий шароитда минтақа давлатларининг ўзаро яқинлашуви, ҳамкорликни мустаҳкамлаш барқарорлик ва тараққиёт гаровидир.

Саммит давомида Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен Европа Иттифоқи томонидан Global Gateway

стратегияси асосида Марказий Осиёга 12 миллиард евролик инвестиция пакети ажратилишини ва минтақалар ўртасида стратегик шериклик бошланганини эълон қилди. Ушбу маблағ янги савдо йўлақларини кенгайтириш, инвестиция оқимларини ошириш ва саноатга йўналтирилади. Шунингдек, минтақадаги тоза энергия манбаларини ривожлантириш ва глобал энергетикага ўттиш жараёнига ҳисса қўшиш мақсад қилинган.

Давоми 2-бетда

ТАХИАТОШДА ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ: “ЯГОНА ТИББИЁТ АХБОРОТ ТИЗИМИ” ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Тахياتош тумани “Дўстлик” МФЙда яшовчи Аҳмед Аллаяров II гуруҳ ногирони. У тиббий кўриқдан ўтиш учун янги барпо этилган оилавий поликлиникага борди. Бинога кириб келиши билан ҳамширалар “Мухлиса” иловаси орқали электрон навбат олишда ёрдам берди.



— Замонавий рақамли технологиялар бизнинг маҳаллагача етиб келганидан жуда қувондик. Янгидан қурилган оилавий поликлиникамизда “Ягона тиббиёт ахборот тизими” йўлга қўйилгани катта янгилик бўлди, — дейди Аҳмед Аллаяров. —

Поликлиника энг замонавий услубда барпо этилибди. Ҳамма ёқ саранжом-сарипта. Илгаригидек вақтимизни кетказиб, беҳуда навбат кутиб ўтирмас эканмиз. Барчаси учун раҳмат.

Давоми 5-бетда



2025 йил 15 апрель, 76-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz



Муносабат



SAMARQAND
IQLIM FORUMI
4-5 APREL 2025



Кўп қутбли дунёда янги интеграцион уфқлар очилмоқда

Бошланиши 1-бетда

Сўнгги етти йилда Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамланди. Шу йиллар давомида Марказий Осиё давлатларининг Европа Иттифоқи билан товар айирбошлаш ҳақми тўрт баробар ўсиб, 54 миллиард еврога етди. Ўзбекистон бу жараёнининг энг етакчи иштирокчиси сифатида Европа бизнесининг Марказий Осиёга қизиқиши ошишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Таъкидлаш жоизки, саммит арафасида Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ўртасида давлат chegarаларининг туташ нуктаси тўғрисида шартнома имзоланди. Бу нафақат тарихий келишув, балки Европадаги интеграцион жараёнларга ўхшаш тарзда Марказий Осиёда ҳам ўзаро яқинлашув йўлида ilk амалий қадамлардан бири бўлди. Бу интеграцион ҳаракатлар фонида Европа Иттифонининг тажрибасидан фойдаланиш, айниқса, демократик институтларни ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий адолат ва фуқаролик жамияти қуриш борасидаги тажрибаси биз учун беқиёс аҳамият касб этади.

Европа Иттифоқи томонидан демократия ва инсон ҳуқуқлари масалаларида сиёсий босим ўтказмаслик, ўзаро ҳурмат ва тенгликка асосланган мулоқот юритилиши ҳамкорликни янада барқарор ва самимий асосга олиб чиқади. Ўзаро тенгликка асосланган ҳамкорлик замирида чинакам манфаатдорлик ётади. Минтақа давлатлари кўп векторли ташқи сиёсат юритар экан, Евроиттифок билан муносабатлар геосиёсий мувозанатнинг муҳим элементи ҳисобланади.

Кўп қутбли дунё тартиботида Европа Иттифоқи ўзини алоҳида қутб сифатида намоеён этишда Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликка таяниши мумкин. Минтақа учун эса кўп векторли ташқи сиёсат юритиш, кучлар мувозанатидаги фойдаланиш ва қулай геосиёсий муҳит яратишда



Дилшодбек РУСТАМОВ,
филология фанлари доктори

Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик муҳим. Савдо-иқтисодий муносабатларда бугунги дунёдаги савдо урушлари шароитида Европа Иттифоқи учун ҳам Марказий Осиё билан ҳамкорлик фойдали бўлади.

Жумладан, ушбу саммит фақат Марказий Осиё давлатлари учун эмас, балки Европа Иттифонининг ўзи учун ҳам стратегик аҳамиятга эга. Бугунги геосиёсий вазиятда, айниқса, Евроиттифок учун энергия хавфсизлигини таъминлаш, барқарор транспорт йўлакларини шакллантириш ва янги бозорларни излаш зарурий стратегик вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу нуктага назардан, Марказий Осиё географик жойлашуви, табиий ресурслари ва сиёсий барқарорликка интилаётган давлатлари билан Европа учун ишончли ва истиқболли ҳамкор сифатида қаралмоқда. Европа Иттифоқига бу минтақа энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш, айниқса, Россиядан мустақил энергетик манбаларни диверсификация қилиш имконини беради. Марказий Осиё давлатлари билан барқарор савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш ЕИнинг глобал таъминот занжирларидаги ишончилигини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, илм-фан ва таълим соҳасида қўшма дастурларни амалга ошириш ҳам минтақа ривожини учун устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Айни пайтда ҳамкорликни янада чуқурлаштиришда маданийлараро мулоқот, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, маданий-гуманитар лойиҳаларни кенгайтириш жиддий асосга эга бўлиши керак. Бу борада, хусусан, талабалар алмашинуви дастурлари, профессор-ўқитувчилар мобиллиги, қўшма тадқиқот марказларини ташкил этиш каби ташаббуслар самаралидир.

Маданий мулоқотларни ривожлантириш ҳамкорликнинг муҳим жиҳатларидан бири. Ўзаро маданий тадбирлар, таълим алмашинувлари ва санъат соҳасидаги лойиҳалар орқали халқларимиз ўртасидаги тушуниш ва ҳурмат янада мустаҳкамланади. Шу боис, Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги маданий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича қўйидаги таклифларни илгари суриш мумкин.

Биринчидан, таълим алмашинуви дастурларини кенгайтириш, хусусан, талабалар ва ўқитувчилар учун қўшма дастурлар ва стипендиялар сонини ошириш, бу орқали ёш авлоднинг глобал дунёқарашини кенгайтириш лозим.

Иккинчидан, ҳамкорликда маданий тадбирларни сифат ва сон жиҳатдан ошириш, Европа ва Марказий Осиё санъаткорлари иштирокида концертлар, кўргазмалар ва фестиваллар ўтказиш орқали маданий алмашинуви кучайтириш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Учинчидан, тарихий меросни ўрганиш ва тартиб қилишда ҳамкорликни кучайтириш лозим. Бунда қўшма тадқиқотлар ва лойиҳалар орқали минтақаларимизнинг бой тарихий меросини ўрганиш ва дунёга танитиш катта ўрин эгаллайди.

Ушбу ташаббуслар Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

ЖАРАЁН



Қулайлик

БИРИНЧИ ХАТО КЕЧИРИЛАДИ

ҲАЛОЛ ТАДБИРКОРЛАР ЭСА КЎПАЯДИ

Ерга ниҳол қадаш учун ярим соатлик жисмоний меҳнат, боғдорчилик илмидан ҳаминқадар хабардорликнинг ўзи етарли. Аммо уни парваришлаб дарахтга айлантириш, кўпайтириб боғ яратиш учун бир неча йил тер тўкишга тўғри келади. Ҳатто боғ барпо этишда минерал озуқа, сувни вақтида бериб парваришласангиз ҳам қутилмаган табиат инжиқликлари таъсир қилиши эҳтимоли мавжуд. Масалан, қурғоқчилик ниҳолларингизни қуришти ёки бемаҳал қор ёғишдан барчасини совуқ уриб нобуд қилиши мумкин.

Шунинг учун бу жараёнда боғбоннинг меҳнати, ақлий салоҳияти, етарлича минерал озуқаларига эмас, боғ учун табиий муҳит мавжудлиги ҳам муҳим.

Бизнес бошлаш ҳам худди шундай: тадбиркорлик қилиш учун озгина маблағ, яхши ғоя бўлишининг ўзи кифоя. Аммо уни йирик тадбиркорлик субъектига айлантириш, бренд яратиш учун ишбилармонлик қобилияти, молиявий манбанинг ўзигина етарли бўлмайди. Бунинг учун ҳудудда қулай ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муҳит яратилган бўлиши ҳам зарур. Бундай муҳитда инсон эртасини аниқ кўра олади, катта мақсадларни илгари суришга ишончи ортади.

янгилик илғор кичик ва ўрта бизнес вакилларининг янги бренд ва йирик корхоналарга айланишига ўзига хос қулай муҳит яратади.

— Фармонда тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш учун турли масалаларда енгиллик бериш назарда тутилган. Масалан, эндигина фаолиятини бошлаган одам бу соҳада етарлича билим, кўникма ва тажрибага эга бўлмагани сабабли кичик қоидабузарликларга йўл қўйиши мумкин. Мисол учун, сотувни янги йўлга қўйган дўкдор тўлов терминали ўрнатишга улгурмаган бўлиши ёки кичкина тахририят очмоқчи бўлган ишбилармон Ахборот ва оммавий коммуника-



Шу боис, Президентимизнинг 2025 йил 19 мартдаги “Кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида тадбиркорлар учун фақатгина молиявий қўмак, турли рағбат ва имтиёزلарни тақдим этиш билан бирга соҳада қатор маъмурий ислохотларни амалга ошириш белгиланди.

2025 йил 1 июлдан 2028 йил 1 январга қадар кичик ва ўрта бизнес субъектлари зиммасига янги мажбуриятлар юклатилишини назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга мораторий эълон қилинди. Мораторий ишбилармонларга бизнесини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли режа ишлаб чиқиш учун қўл келади. Яъни улар қилаётган ишнинг эртасини аниқроқ кўриб, бугуннинг ўзидек келгуси уч йилликнинг ривожланиш режасини тузиб қўйиши учун замин яратади. Бу гўё боғбонларга кейинги уч йилда бемаҳал қор ёғмаслиги, қурғоқчилик бўлмаслиги ҳақида хабар берилишига ўхшайди. Бу

циялар агентлигини хабардор қилиш зарурлигини билмаслиги мумкин. Илгари бу ҳолат аниқланиши билан тадбиркор жаримага тортиларди. Бу эса янги иш бошлаганларнинг ўзига ишончли сусайиши, қисқа муддатда тадбиркорлик аҳдидан воз кечишига сабаб бўларди, — дейди Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази мутахассиси Наргиза Шарипова. — Хусусан, охириги уч йилда 17,5 минг корхона ташкил этилганига бир йил тўлмай тугатилган. Эҳтимол, баъзиларнинг ёпилишига юқоридикидек кичик камчиликлар асос бўлгандир. Бунинг олдини олиш учун фармонга кўра, 2025 йил 1 июлдан 2028 йил 1 январга қадар “Биринчи имконият” тамойили жорий этилади. Унинг доирасида фаолиятининг ilk йилида савдо ва тадбиркорлик соҳаларига оид маъмурий ҳуқуқбузарлиқни биринчи маротаба содир этган кичик тадбиркорлик субъектлари жавобгарликка тортилмайди. Албатта, бу тадбиркорга камчилиқни тез бартараф этиши учун қўшимча имконият берилади.

Бундай имтиёз Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг XIII бобида келтирилган савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчиликка амал қилмаслик, бозорларда савдо қилиш қоидаларига зид ҳаракатланиш каби ҳуқуқбузарликларда қўлланади.

Шунингдек, ортиқча қўғозбозлик ва оврагарчиликлардан озод қиладиган механизмлардан яна бири кичик ва ўрта бизнес субъектларининг фаолиятини ихтиёрий равишда тугатишда солиқ текширувидан ўтказилмаслигидир. Бунда тадбиркорлик субъектларининг охириги уч йилдаги даромади 10 миллиард сўмдан ошмаслиги, бюджет ва кредиторлар олдида қарздорлиги бўлмаслиги ҳамда солиқ ҳисоботларини ўз вақтида топшириши талаб этилимоқда. Тадбиркорлик субъектларининг “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимида ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи паст даражада таснифланган бўлиши ҳам зарур.

Фармонда фермерлар елкасидан тоғ ағдарган янгилик мавжуд. Бу солиқ қарздорлиги бўйича шу пайтгача ҳисобланган пеняларни тўлаш мажбуриятидан фермерларнинг озод қилинишидир. Бу давлат 1 триллион сўмлик пеняни ундиришдан воз кечди дегани.

Қисқаси, энди тадбиркорлик фаолиятини бошлаган ёки бизнес қилишга бел боғлаган инсонлар учун фармонда катта қулайлик ва имтиёзлар белгиланган. Бу эса юртимиздаги тадбиркорлик муҳитининг жоизбадорлигини оширади.

Ташаббускор, фаол тадбиркорлар Ўзбекистонда дом қадрланади. Бундай инсонларнинг қўшимча имтиёз ва янада кенг имкониятларга эга бўлиши турган гап. Масалан, фармонда агро-муҳитни асраш, ўз тадбиркорлик субъектида кўкаламзорлаштириш, дарахт экиб, ўзига хос экологик соф муҳит яратишда ташаббус кўрсатганларга қўшимча имкониятлар тақдим этилиши кўзда тутилган.

Бундай ишбилармонларга “яшил тадбиркор” мақоми берилиб, “Шаффоф қурилиш” платформасида устуворлик тақдим этилиши, муайян муддат давомида экологик текширувлардан озод этилиб, ҳатто халқаро бозорларга чиқишига қўмаклашиш ҳам назарда тутилмоқда. Бундай имтиёзлар юртимизда “яшил тадбиркор” мақомини олган ишбилармонлар қўйишига замин яратади.

Шунингдек, ишбилармонлар “яшил тадбиркор” мақомини олиши учун энергиятежамкор ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, корхонасининг фаолияти табиатга зиён етказмаслигига ҳаракат қилиши ҳам талаб этилади. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратилаётганини қайд этдик. Аслини олганда, ўзаро уйғун ҳолда турли йўналишлар тараққиёти учун ўзига хос муҳит ҳозирланмоқда. Уларнинг умумлашмаси дунё мамлакатлари орасида Ўзбекистон ўз ном ва обрўсига эга бўлишига замин яратмоқда. Бу соҳалар юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан кейинги поғонага қўтарилиши йўлида мустақкам устун вазифасини ўтайди. Тадбиркорлик соҳаси эса бу устунларнинг энг муҳимларидан.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугуннинг гапи

Ҳар бир инсон, аввало, ўз уйига эга бўлиши, аҳоли турмуш даражасини ошириш учун шарт-шароит яратилиши керак. Боиси, уйдан кўнгли тўқ инсоннинг ишида унум ва барака бўлади. Айни мақсадда сўнгги беш йилда умумий майдони 21,7 миллион метр квадрат бўлган кўп квартирали уй-жойлар барпо этилиб, аҳолининг уй-жой сотиб олишига қўмаклашиш учун 67 триллион сўм ипотека кредитлари ажратилди. Бюджетдан 44 триллион сўм йўналтирилди.

Камбағалликни қисқартириш бўйича Ўзбекистон тажрибасининг ўзига хослиги шундаки, ушбу сиёсат энг кўпини чўзмоқда. Яъни субсидия орқали минглаб инсонларнинг орзуларини ушатиб, уйли бўлмоқда.

Субсидия нима? Субсидия — уй-жой харид қилиш учун дастлабки босқичда давлат томонидан тўлаб бериладиган маблағ. Энг муҳими, у қайтариб олинмайди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 21 февралдаги “Уй-жой ва ипотека бозорини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан 2025 йил учун ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурининг асосий йўналишлари белгилан берилди.

— Жумладан, жорий йилда ҳудудларда жами 135 минг квартирали уй-жойлар қурилади, — дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бош мутахассиси Шаҳбоз Зокоров. — Энг муҳими, 30 минг талабдорга субсидия ва 20 триллион сўм ипотека кредити ажратилади.

Ушбу мақсадлар учун ипотека кредитлари бўйича дастлабки бадал ва фои

тўловларининг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар сони 1,5 баравар оширилади ва мазкур мақсадларга давлат бюджетидан 2,5 триллион сўм йўналтирилади.

Ўзгарувчан бозор шароитида уй-жой қуриш пухта ҳисоб-китоб билан бирга қутилмаган нарх ўсиш ҳолатларига тайёр туриши талаб этади. Бўлмаса, катта маблағ йўқотилиб, фойдаланиш муддатлари кечикишига, аҳоли эътирозига сабаб бўлиши мумкин.

Бунинг биз бугун кўплаб мисолларда кўряпмиз, баъзиларимиз бошимиздан ўтказаямиз. Фармон билан шунга ўхшаш ҳолатларда ҳам аҳолининг, ҳам қурилиш таъминотларини қўллаб-қувватлаш учун уй-жой ва ипотека бозорини молиявий ресурслар билан таъминлаш мақсадида 20,9 триллион сўм ипотека кредити ажратилиши белгиланди. Шунингдек, “Янги Ўзбекистон” ва бошқа массивларда кўп квартирали уй-жойлар барпо этишда иштирок этадиган қурилиш ташкилотларини айланма маблағлар билан таъминлаш учун давлат бюджетидан 700 миллиард сўм ҳамда тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан 3 триллион сўм йўналтирилади.

Реновация шахарликлар кўп муҳокама қиладиган мавзулардан бири. Бу табиий ҳол. Сабаби республикамиздаги кўп квартиралар уй-жой фондининг қарийб 40 фоизини 2-3 қаватли уйлар ташкил этади. Уларнинг аксариятига оқова сув қувурлари тортилмаган. Айримларининг фойдаланиш муддати тугаб бормоқда.

ХОТИРЖАМ ИНСОННИНГ ИШИДА УНУМ ВА БАРАКА БОР



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



2025 йил 1 мартдан бошлаб “Янги Ўзбекистон” массивлари учун янги ҳудудлар урбанизация тамойилларига мувофиқ танланмоқда. Ерни кўп квартирали уй-жой қуриш учун ижарага олган юридик шахслар ер солиғини тўлашдан озод этилади.

Хужжатда ушбу масаланинг ечими ва уни амалга ошириш шартлари ҳам белгиланди. Яъни 2025 йил 1 мартдан бошлаб реновация асосида кўп квартирали уй-жойларни барпо этиш тартиби жорий этилмоқда. Унга кўра, реновация лойиҳасини бошлашга барча мулкдорлар билан нотариал тасдиқланган келишув битими имзоланганидан сўнг рухсат берилади.

— Бундан ташқари, 2025 йил якунига қадар реновация дастурлари асосида 20 минг ҳамда 2026 йил якунига қадар 30 минг квартирали уй-жойлар барпо этилади, — дейди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Элёр Комилов. —

Мулкдорларга, уларнинг хоҳишига кўра, қатор компенсация турлари тақдим этилмоқда. Хусусан, бузилаётган турар жой объектлари ўрнига уларнинг майдонидан кам бўлмаган, реновация дастурига мувофиқ янги қуриладиган турар жойлардан яшаш учун тайёр ҳолдаги квартиралар мулк ҳуқуқи асосида берилади. Қурилиш даврида кўчиш, шу жумладан, бошқа турар жой объектини вақтинчалик ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар, бузилаётган турар ва нотурар жойнинг бозор қиймати тўлиқ қоплаб берилади.

Бугун кўп жойларда қурилаётган “Янги Ўзбекистон” массивларига қизиқиш юқори.

Кўпчилик бундай жойларда яшашни орзу қилади. Мактаб, боғча, оилавий поликлиника, дўкон ёнингизда. Маҳалла идорасида ўзингизнинг кўплаб муаммоларингизни ҳал қилишингиз мумкин.

Хужжатда мазкур массивларни барпо этиш билан боғлиқ барча масалалар қамраб олинган. Хусусан, 2025 йил 1 мартдан бошлаб “Янги Ўзбекистон” массивлари учун янги ҳудудлар урбанизация тамойилларига мувофиқ танланмоқда. Ерни кўп квартирали уй-жой қуриш учун ижарага олган юридик шахслар ер солиғини тўлашдан озод этилади.

— Ҳудудларда янги қуриладиган инфра-тузилма иншоотларида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ва энергия тежовни ускуналардан кенг фойдаланилади, — дейди Э.Комилов. — Бундан ташқари, кўп квартирали уй-жойлар ва ижтимоий соҳа муассасаларининг электр энергияси таъминотида хусусий операторларни жалб этиш назарда тутилмоқда. Оқова сув тозалаш тизимларида технологик қайта тозаланган сувни массивлар ҳудудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ирригация ва бошқа мақсадларга йўналтириш йўлга қўйилади.

Жорий йил 1 майдан аукцион савдоларда ер участкасини кўп квартирали уй-жой қуриш учун ижарага олган юридик шахслар ижарага олган пайтдан бошлаб 12 ой давомида ушбу ер участкаси бўйича ер солиғини тўлашдан озод қилинади. Бунда кўп квартирали уй-жой белгиланган муддатда қурилиб, фойдаланишга топширилмаса, имтиёздан фойдаланилган давр учун ер солиғи 2 баравар миқдорда ундирилади.

Қурилиш мураккаб соҳа. Бино фойдаланишга топширилгунча қатор талабларга жавоб бериши керак. Базидда тартибларга амал қилмаслик, муддатлар узоклиги боис, уйлар эгаларига топширилиши кечикади. Бу эса фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлади.

Хужжатда бу масалаларга ҳам ҳуқуқий ечим кўрсатилди. 2025 йил 1 майдан қурилиш бошланган фойдаланишга рухсатнома беришга қадар бўлган жараёнлар тўлиқ онлайн режимида “Шаффоф қурилиш” тизимида амалга оширилади. Қурилиш тугалланган кўп квартирали уй-жойдан фойдаланишга рухсатнома беришда фақат Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ҳамда давлат ёнгин назорати органларидан хулоса олинади. Инспекцияда рўйхатдан ўтган ва у томонидан назорат қилинадиган кўп квартирали уй-жойларни фойдаланишга рухсатнома беришдан олдин инструментал-техник текширувдан ўтказиш амалиёти бекор қилинади.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Отам бир ривоятни кўп такрорларди. Бой якка-ёлғиз ўғлига “Мендан кейин еганинг асал бўлсин”, деб васият қилибди. Ўғил отасининг айтганига амал қилиб, мерос бўлиб қолган бойликлар ҳисобидан асал, турли ноз-неъматлар еб, меҳнат қилмай, роҳат-фароғатда кун ўтказибди. Вақти келиб отасидан қолган бойлик поёнига етибди. Асалу ширинликлар сотиб олгани давлати, маблаг қолмабди. Нима қиларини билмай йўлда бораётиб, бир деҳқонга кўзи тушибди. Бориб бир неча кундан буён ҳеч нарса емагани, пули, давлати йўқлиги, имкон бўлса бир бурда нон ва сув беришни илтижо қилибди. Деҳқон дала юмушларига бир оз кўмаклашиб юборишни сўрабди. Йигит ер чопиб, ариқ очибди, уруғ сепиб, ниҳол экибди. Тушликда оддий дастурхон атрофида бир бурда нон билан сув ичибди. Бу неъматлар шу қадар ширин, мазали эканига ҳайрон қолди.

— Эсимни танибманки, асал, сархил ноз-неъматлар еб юраман. Бироқ уларнинг ҳеч бири бугунгидек тотли эмас. Бунинг сирини нимада? — дея деҳқонга юзланибди.

— Ҳалол меҳнат орқали топилган ризқ-рўзнинг таъми, қадр-қиммати шунақа ширин бўлади, — деб жавоб берибди деҳқон.

Шу воқеа сабаб йигит қишлоқдаги энг миришкор деҳқон сифатида элда ном чиқарган экан.

Бу бир ривоят, аммо унинг замирида тўғрилиқ, шукроналик билан яшаш, эзгу мақсад йўлида меҳнат қилиш, интилиш, сабр-бардорлиқ сингари одамийлик ғазалатлари бўйи кўрсатиб турганини илға олиш керак.

Деҳқончилик, томорқадан фойдаланиш биз учун бегона эмас. Қадри балоид қадриятлар асрлар давомида шаклланиб келган. Лекин бугунги томорқачиликда иш амаллари ўзгарди, янги тажрибалар оммалашаяпти. Соҳага илм кириб келди, янги усулда серхосил, эртанги навлар яратиш, замонавий технологиялардан фойдаланиш кўламини ошиди. Меҳнат қилман деганга ҳамма нарса етарли.

Риштон туманидаги Амиробод қишлоғида яшовчи Аъзамжон Поизов 1986 йилда Чернобыль атом электр станцияси фожиаларини бартараф этишда иштирок этиб, ногиронлик нафақасига чиққан. Аммо ҳаракат, изланишдан тўхтагани



йўқ. Фарзандларига бош бўлиб, беш сотих томорқадан йил давомида унумли фойдаланиб даромад олади. Ўғил-қизларни касб-хунарга ўқитиш, уй-жой, машина — меҳнат ортидан топилган бойлик маҳсули. Бу йилги мавсумда плёнка остида эртанги бодринг эҳди, замонавий иштиш, томчи-латиб сўғориш тизимидан фойдаланишни йўлга қўйди. Бодринг ҳосилга кирганига бир ойдан ошди. Дастлабки ойнинг ўзид 30 миллион сўмдан ортиқ даромад олинди.

БАРАКА КИРДИ

28 минг 499 та хонадоннинг 6,3 минг гектар томорқаси сув билан таъминланади. Натижада томорқадан фойдаланиш самарадорлиги ошади, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари яратилади.

“

Йигит-терим мавсуми август ойига қадар давом этиши ҳисобга олинса, қафдек ердан қутилаётган даромад салмоғини чамалаб олиш қийин эмас.

“Бешарик” маҳалла фуқаролар йигини Бешарик тумани марказига туташ ҳудудда жойлашган. Ҳайҳотдек томорқа хўжаликлари бор. Лекин ундан самарали фойдаланилмаган. Бугунга келиб бу ердаги шароит, имкониятлар ўзгарди.

— Ҳудудимиз аҳолисини шу кунгача оқова сув муаммоси қийнаб келган, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Баҳодиржон Бўриев. — “Долзарб бир ойлик” доирасида бу масаланинг ижобий ечимини топилиди. Давлатимиз томонидан ажратилган 500 миллион сўм ҳисобига сув қудуқи қазилиб, фойдаланишга топширилди. Деҳқонтўда қишлоғи бўйлаб ўтган катта ариқнинг 2 километр қисмини бетонлаштириш учун 1 миллиард 200 миллион сўм ажратилиб, амалий ишлар бошланди. Бу 50 гектардан ортиқ аҳоли томорқаси ва дов-дарактларини сув билан таъминлаш имконини беради.

Хислатжон Қамбаровнинг 8 сотих томорқаси бор. Сув йўқлиги сабаб фақат бир марта, чорва учун озуқа экинлари экиш билан қийналган. Бугун бу хонадон томорқасида бўлган кишининг кўзи қувнайди. Тартиб билан экилган мева-дарактлар, турфа сабзавот экинлари бўйи кўрсатиб ривожланишга.

— Томорқамизга сув, оиламизга барака кирди, — дейди Райҳона Раҳмонова. — Ёз ойларида экин сўғоришнинг деярли имкони йўқ эди. Шу боис, ундан мақсадли фойдаланолмай, эҳтиёжимиз учун керакли сабзавотларни бозордан сотиб олишга мажбур бўлганмиз. Энди уларни ўзимиз

етиштиряпмиз. Айни кунда маҳалладошларимиз билан кенгашган ҳолда “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида картошка эканмиз.

Маҳаллаларда томорқадан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга қаратилган ишларни янада жадаллаштириш мақсадида эълон қилинган “Долзарб бир ойлик” бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирди, янги ташаббусларни қўлаб-қувватлаш имконини беради.

— “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида маҳаллалардаги томорқа ерларини сўғориш тизимини яхшилаш мақсадида 83 та маҳалла ҳудудларида 5 та насос ўрнатиш, 114 та қудуқ қазитиш, 10,8 километр қувур тортиш, 2 километр лоток ўрнатиш, 115,7 километр ариқни бетонлаштириш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга ошириляпти, — дейди Фаргона вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси бошлиғи Жаҳонгир Жуманов. — Бунинг ҳисобига 28 минг 499 та хонадоннинг 6,3 минг гектар томорқаси сув билан таъминланади. Натижада томорқадан фойдаланиш самарадорлиги ошади, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари яратилади.

Томорқа хонадон хазинасига қўсланади. Кўҳна ҳикмат замирида меҳнат, изланиш, мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланиш амаллари мужжасам. Бу олтин қондага амал қилиб иш тутатган оила ҳеч қачон камбағал бўлмайди.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Кармана тумани Навоий шаҳри ҳудудини ўраб туради. Йирик саноат корхоналарининг аксарияти мазкур туманда ёки унга ёндош ҳудудда фаолият юритади. Шу боис, туман ҳудудида яшил майдонларни кенгайтириш ва “яшил белбоғ”лар ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, йирик саноат корхоналарининг атроф-муҳитга зарарли таъсирини камайтиришда ҳам яшил ҳудудларни кўпайтириш асосий ечимлардан биридир. Ҳар йили баҳор ва куз мавсумида ўтказиб келинаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ушбу долзарб масалага алоҳида эътибор қаратишмоқда.

НАВОИЙДА “ЯШИЛ БЕЛБОҒ”ЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Лойиҳанинг жорий йилги баҳор мавсумида Кармана туманидаги бўш майдонлар ва чўл ҳудудига туташ жойларга даракт экиш учун 100 гектар ер ажратилиб, вилоят ташкилотларига бириктирилди. Аввалги йилларда илмий ёндашувлар йўқлиги ва иқлимга мос даракт кўчатлари ёки сўғориш тизими бўлмаган ерлар танлангани боис, экилган кўчатлар нобуд бўлгани кузатилган. Жорий йилда эса вилоятнинг иқлим шароити ва Фанлар академияси тавсияларидан келиб чиқиб, сувсизликка ва касалликларга чидамли гуҷум, қайрағоч, каталпа, акация, заранг, шумтол, тут ва терак каби даракт турлари танлаб олинди.

“Кармана туманида “яшил белбоғ” яратиш ва яшил ҳудудларни кенгайтиришга вилоятдаги барча ташкилотлар, фаоллар, нурунийлар ва ёшлар жалб этилгани бу масаланинг Навоий вилояти ҳавоси учун аҳамияти катта эканидан далалат беради.

Йирик тоғ-кон, металлургия, кимё, энергетика корхоналари вилоят иқтисодиётининг асосий драйверлари бўлиб, ишлаб чиқариш кўламини йилдан йилга ортиб бораётди. Шу билан бирга, уларнинг атмосфера ҳавосига зарарли таъсирини камайтириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, Навоий, Зарафшон шаҳарлари, Кармана ва Учқудуқ туманларида бир неча йирик корхона борлиги учун ушбу ҳудудларда ҳаво ифлосланиши кўпроқ кузатилади.

Хусусан, Навоий шаҳри аҳолиси ва меҳмонлар сифати бузилган ҳаводан нафас олишига тўғри



келади. Сабаби йирик корхоналар шаҳарга яқин ҳудудда жойлашган. Мисол учун, кимё саноатида етакчи ўрин тутадиган “Навоийазот” акциядорлик жамиятида бугунги кунда бир неча турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади ва улар сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Жумладан, корхонада 2020 йилда 59 турдаги маҳсулот тайёрланган бўлса, 2024 йилда улар сони 80 турдан ошди. Бу эса ўз-ўзидан ҳавога ҳам зарарли таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Кармана туманида “яшил белбоғ” яратишда ушбу жиҳатларнинг барчаси инобатга олинди.

— Мазкур хайрли тадбирларда вилоятимиз нурунийлари ҳам фаол иштирок этмоқда, — дейди “Нуруний” жамғармаси Кармана тумани бўлими раиси Ўткир Ражабов. — Яшил ҳудудларни кенгайтириш инсон саломатлиги билан боғлиқ. Ҳаво тоза бўлса, ҳаёт соғлом кечади. Навоий шаҳри ва Кармана тумани аҳоли йирик саноат корхоналаридан чиқаётган зарарли ҳаводан кўп йиллардан буён азият чекиб келган. Кўрилган чора-тадбирлар ва яшил майдонлар кенгайтириш натижасида ҳудуд ҳавоси аввалги йиллардагига қараганда яхшиланган бораётди. Бунинг ўзид Ҳис қилган нурунийлар бу йил ҳам барчага ўрнак бўлиб, даракт кўчатлари экипти.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг жорий йил баҳорги мавсумида Кармана туманида 1 миллион тугдан зиёд даракт кўчати экиш режалаштирилган. Бугунгача 70 фойздан ортиқ иш бажарилиб, жараён туманининг барча маҳаллаларида уюшқоқ билан давом этмоқда.

Вилоятдаги йирик саноат корхоналари ҳам “яшил белбоғ” яратиш ва ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга зарарини камайтириш мақсадида қатор чора-тадбирлар кўрмоқда. Қолаверса, Президентимизнинг 2024 йил декабрдаги “Навоий вилоятини иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорид ыида вилоятда “яшил белбоғ”лар яратиш ва чўлланишга қарши курашишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Қарорга кўра, жорий йилнинг баҳор ва куз мавсумидан бошлаб “Қизилқуммента”, “Навоийазот”, “Навоий иссиқлик электр станцияси” ва “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятлари томонидан Навоий шаҳри ва Кармана тумани маркази атрофидаги 300 гектарда, Навоий кон-металлургия комбинати томонидан Зарафшон шаҳри атрофида ва “Навоийнур” АЖ томонидан Учқудуқ тумани маркази ва Зафаробод кўргони атрофида “яшил белбоғ”лар ташкил этилади.

— Президент қарори ижроси доирасида жорий йилда “Навоийазот” АЖ томонидан 85 гектар майдонда “яшил белбоғ” яратилади, — дейди корхона маъсул ходими Толмас Рўзимуродов. — Айни вақтда Навоий шаҳри ҳудудидаги 5 гектар ва Кармана туманида жойлашган 30 гектар ерда даракт кўчатлари ўтқазитиш давом этмоқда. Кўчатлар мутахассислар иштирокида танланиб, иқлим шароити, сўғориш тизими ва бошқа омиллар ҳисобга олинди.

Навоий вилоятида “Яшил макон” лойиҳасининг жорий йил баҳорги мавсумида 8 миллиондан зиёд мева-даракт ва манзарали даракт экиш режалаштирилган. Вилоят аҳолиси ҳар йилгидек бу йил ҳам ушбу хайрли жараёнда ҳамжиҳатликда, кўтаринки қайфиятда фаол иштирок этмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Тўқимачилик

Бундан бир неча йил олдин “Жиззах вилоятидан Хитойга тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилинади” деган гапга биров ишонмасди. Чунки иқтисодиётининг асосий соҳаси пахтачилик бўлган вилоятда бу маҳсулотни қайта ишлайдиган саноат корхоналари деярли йўқ эди. Бори ҳам хомашёга бирламчи ишлов беришдан нарига ўтмаган.

2017 йилдан бошлаб ҳудудда етиштирилаётган пахта ҳосили юз фоиз қайта ишланмоқда. Айни пайтда вилоятда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибид 120 га яқин тўқимачилик ва тикувчилик корхонаси мавжуд. Бу корхоналар йилгига 80 минг тонна ип-калава, 17 миллион квадрат метр газлама, 26,6 тонна трикотаж мато, 9,7 миллион жуфт пайпоқ, 44,4 миллионга таъйир кийим ва бошқа трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Соҳанинг ривожланишида қишлоқ хўжалигида кластерлар фаолияти йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этди. Мамлакатимиз пахта-тўқимачилик соҳасид 120 дан зиёд кластер пахта етиштириш, йиштириб, бирламчи ва чуқур қайта ишлаш, экспорт қилиш билан фаол шугулланмоқда.

Жиззахда ҳам пахта-тўқимачилик кластерлари ҳудуд иқтисодиётининг ҳаракатлан-тирувчи кучига айланиб бормоқда. Айни пайтда вилоятда “Jizzax kenteks”, “Agro elegant klaster”, “Jizzax industrial to’qima”, “Sangzortekstil”, “Mizachul agroklastergroup”, “Silverleaf”, “Paxtakor teks” каби пахта-тўқимачилик кластерлари фаолият юритмоқда. Ушбу кластерлар хомашё етиштиришдан тортиб, ип-калава тайёрлаш, тўқиш, ранг бериш ва қайта ишланган маҳсулотни истеъмолчига

еткизиб беришгача бўлган жараён қамраб олинган лойиҳаларни амалга оширмоқда. Натижада пахтачи қайта ишлаш орқали юқори қўшимча қўйиматга эга, ташқи бозорда талаб юқори маҳсулот тайёрлаш ҳажми ошиши, ушбу корхоналарнинг иқтисодий шароити юксалиши баробарида янги иш ўринлари очилиши имконияти ҳам пайдо бўлмоқда.

“Paxtakor Teks” МЧЖ қўшма корхонаси вилоятдаги фаол кластерлардан. 2018 йили Пахтакор туманида фаолият бошлаган мазкур корхона Швейцария, Япония, Туркия, Ҳиндистоннинг энг замонавий тўқимачилик ускуналари билан жиҳозланган. Умумий қиймати 22,3 миллион доллар бўлган лойиҳанинг биринчи босқичида йилгига 8000 тонна ип-калава ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса, иккинчи босқичида йилгига 7000 тонна рангли мато ишлаб чиқарила бошлади ҳамда қўшимча 600 та иш ўрни очилди. Ўтган йили мазкур корхонада тайёрланган 10 миллион долларлик маҳсулот Россия ва Туркияга экспорт қилинди.

— Мамлакатимизда мажбурий меҳнатни чеклаш бўйича сазй-ҳаракатлар натижасида ўзбек пахтасига қўйилган бойкот олиб ташланди ва жаҳондаги барча пахта харидорлари учун Ўзбекистон бозори қайта очилди, — дейди корхона директори Илҳом



Абдурахмонов. — Бу эса биз, тадбиркорларга улкан имкониятлар яратмоқда. Фаолиятимизни кенгайтиряпмиз. Кейинги босқичда қўшимча трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириб, яна 500 маҳаллий йигит-қизини иш билан таъминлашни режалаштирганмиз. Бундан ташқари, мамлакатимизда тадбиркорларга яратилаётган имтиёزلардан унумли фойдаланиб, корхонамиз ёнида 240 ўринли мактабгача таълим ташкилоти ҳамда нон цехи қурапмиз.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда пахтачилик ривожига билан бирга хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараёни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Натижада хомашёдан тайёр, экспортга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Мисол учун, жорий йилда “Newland”, “Farali”, “Тошпена текстиль”, “Zarista Tex” каби етакчи корхоналар экспорт ҳажмининг 2,8 баробар оширишни режалаштирган.

— Жиззах вилоятида тўқимачилик саноати жадал ривожланиётган соҳалардан, — дейди “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг

вилоятдаги вакили Самандар Ўктамов. — 2024 йилда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг ҳудуддаги корхоналари томонидан 62 миллион долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилинди. Экспортдаги энг катта улш Хитой, Россия ва Туркия ҳиссасига тўғри келади. 2025 йилда 3000 тонна ип-калава, 1,1 миллион жуфт пайпоқ, 4,4 миллион дона тикув-трикотаж, 5000 тонна трикотаж мато ишлаб чиқарилади. 2026-2027 йилларда 81 минг тонна тола, 81,7 минг тонна ип-калава, 42,6 минг тонна трикотаж мато, 17 миллион квадрат метр газлама, 11,9 миллион жуфт пайпоқ, 57 миллион дона тикув-трикотаж, 277,7 минг дона тикув маҳсулоти ишлаб чиқариш режалаштирилган.

“Jizzakh Textile” МЧЖ вилоятдаги энг йирик ва илк ташкил этилган тўқимачилик корхоналаридан. Ташкил этилганига қарий 15 йил бўлган ушбу корхона Европанинг энг сўнгги русумдаги замонавий дастгоҳлари билан жиҳозланган. Йилдан йилга ишлаб чиқариш салоҳияти, маҳсулотлар тури ва ҳажми, экспорт мўлқори ва географияси ҳам ошиб бормоқда. Корхона фаолиятининг дастлабки йилида 10 миллион АҚШ долларидан кўпроқ қийматдаги маҳсулот экспорт қилинган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич бир неча баробар ошди.

Ўтган йили корхона муассислигида Жиззах шаҳрида яна бир йирик тўқимачилик корхонаси очилди. Лойиҳа қиймати 75 миллион евро, ииллик қуввати 15000 тонна пахтани қайта ишлашга мўлжалланган ушбу корхонанинг биринчи босқичида пахтадан ип-калава

толаси тайёрланса, иккинчи босқичида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

— Биз иш бошлаган жойда ўтган асрнинг 70-йилларида давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов ташаббуси билан барпо этилган текстиль корхонаси фаолият юритган, — дейди корхона иқтисодчиси Нозимжон Иброҳимов. — Аммо анча йил аввал корхона тугатилган. Мана, яна йиллар ўтиб, эски корхона ўрнида янги комбинат фаолият бошлади. Ҳозир 350 ходим ишлаяпти. Улар ишга келиб кетиши учун транспорт, уч маҳал иссиқ овқат, етарли маош билан таъминланган. Корхона тўлиқ қувват билан ишлашга ўтган, иш ўринлари сони 2000 дан ошади. Корхонамизга Европанинг замонавий дастгоҳлари ўрнатилган. Жорий йил бошидан корхонамизда 2 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқардик. Ҳозирча тайёр маҳсулотимизни фақат ички бозорда сотаяпмиз. Келажакда Марказий Осиё, Осиё ва Европа давлатларига экспорт қилмоқчимиз.

— Шу маҳаллада тураман, корхонамиз уйимга яқин, — дейди корхона ишчиси Насиба Қўлдосева. — Ойлигимизни вақтида оламиз, иссиқ овқат билан таъминланганмиз. Мана шундай замонавий дастгоҳларда ишлаётганимдан хурсандим. Бир вақтлар буювим шу корхонада ишлаган экан. Ушбу корхона ташландиқ ҳолга келганди. Давлатимизга раҳмат, мана, қайта боқди бўлди. Менга ўхшаган юзлаб ишчилар иш билан таъминланди.

Вилоят тўқимачилик тармоғида қилинаётган ишлар ва келгусидаги ишлар режаларига яқинда ушбу соҳани иқтисодиётнинг драйверига айлантириши баробарида воҳанинг янада ривожланиши, аҳолининг турмуш даражаси ошишида ҳам ўз аксини топади.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



“**МАЗКУР ПОЛИКЛИНИКА 200 ЎРИНГА МЎЛЖАЛАНГАН БЎЛИБ, РЕНТГЕН, УТТ, СТОМАТОЛОГИЯ, ФИЗИОТЕРАПИЯ, ТАШХИС ЛАБОРАТОРИЯ ХОНАЛАРИ ЭНГ ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН.**”

ТАХИАТОШДА ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ: “ЯГОНА ТИББИЁТ АХБОРОТ ТИЗИМИ” ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Самарқандлик тадбиркор Зафар Тўраевнинг ҳомилийгида бунёд этилган ёруғ, кенг ва замонавий оилавий поликлиникада зарур тиббий ускуналар ўрнатилган, шифокорлар ва беморлар учун қулай шароит яратилган. Янги оилавий поликлиника иморатининг ташқи ва ички дизайни кўпчиликка маъқул. Поликлиникага кириш йўлаги чет, агрофига гуллар экилган.

— Оилавий поликлиникамида беморларга оид шахсий маълумотлар етарли даражада ҳимояланган, ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинган. Олдин бемор шифокор қабулида 40 дақиқа навбат кутган бўлса, бугун “Ягона тиббиёт ахборот тизими” жорий этилгани туфайли бу муддат 10 дақиқага тушди. Шу билан бирга, шифокор қабулидан 15-20 дақиқада чиқиб кетмоқда. Беморларнинг тиббий маълумотларини электрон шаклда сақлаш имконияти яратилмоқда. Тизим мижоз юзини аниқлаш дастурулари орқали дарҳол хизмат кўрсатиш режими-га ўтади. Яъни мижознинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар сўраш билан боғлиқ овозагарчиликка чек қўйилди, — дейди поликлиника бош шифокори Дилбар Уразбаева. — Мазкур тизим аҳоли саломатлигини

сақлаш, ташхис қўйиш, таҳлил қилиш, касалликни эрта аниқлаш ва самарали даволаш билан боғлиқ иш жараёнларини мувофиқлаштиришда ишончли тузилмага айланди. Энди фуқаролар “Электрон поликлиника” орқали рўйхатга олинган, оилавий шифокорга йўналтирилади. Шифокор бемор учун зарур текширувларни белгилаб берган, шу асосда тор соҳа мутахассислари ёки лаборатор таҳлил намуналарини топшириши мумкин. Бу жараён фуқаро ва шифокор вақтини тежаб, барча таҳлил автоматик



тарзда оилавий шифокорга кўриниб туради. Мутахассис шунга асосланиб, муружаатчига электрон рецепт беради. Беморнинг рецепт асосида тасвия этилган дорини поликлиниканинг ўзидан олиши ҳам электрон назорат қилинади.

Мазкур поликлиника 200 ўринга мўлжалланган бўлиб, рентген, УТТ, стоматология, физиотерапия, ташхис лаборатория хоналари энг замонавий ускуналар билан таъминланган. Албатта, олдин бундай шароит йўқ эди. Бугун оилавий поликлиникада 12 шифокор, 20 патронаж ҳамшираси, 10 амалиётчи ҳамширадан иборат соғлиқни сақлаш ходимлари жамоаси 21 мингдан зиёд кишига тиббий хизмат кўрсатмоқда.

— Одатда оилавий поликлиника шифокори тиббий лаборатор текширувга юбориш учун беморга узундан узоқ таҳлиллар рўйхати ёзилган қоғозни

тутқазарди. Шунингдек, керакли шарт-шароитлар йўқлиги, ортиқча қоғозбозлик, вақт билан боғлиқ ҳолатлар бемор саломатлигига салбий таъсир кўрсатгани айлани ҳақиқат, — дейди бош ҳамшира Фарида Шомуратова. — Янги поликлиникамиз 1 апрелдан иш бошлаган бўлса ҳам қисқа муддатда кўпчиликка маъқул келди. Уйма-уй юриб, беморлар ҳолидан хабар оладиган патронаж ҳамшираларимиз планшет билан таъминланган. Худуддаги беморлар учун 90 турдаги дори-дармон бепул берилади. Шундай шароитда аҳолига сидқидилдан ёрдам бераётганимиздан жуда бахтиёримиз.

Ушбу тиббиёт ходимлари тимсолида халқ саломатлиги йўлида ҳаловатидан кечиб, кунни тунга улаб, фидокорона меҳнат қилаётган шарафли касб эгаларининг берилган имкониятлардан самарали фойдаланаётганини кўрдик.

— Қон босимим тез-тез кўтарилиши боис, шифокор қабулига келиб турман, — дейди 59 ёшли Алмагул Утемуратова. — Маҳаллаимиз ҳудудига барпо этилган замонавий оилавий поликлиникадаги шароитларни кўриб, жуда хурсанд бўлдим. Олдинлари шифокор эшиги олдида соатлаб туришга мажбур бўлардик. Ҳозир, мана, қисқа вақтда навбатим билан шифокор кўригидан

ўтдим. Ўзимни яхши ҳис этиялман. Бугунги шароит жуда қулай: ортиқча вақт, борди-келди билан боғлиқ овозагарчиликларга барҳам берилган.

Давлатимизда тиббиёт соҳаси тез ривожланмоқда. Моддий-техник база мустаҳкамланди. Энг сўнгги русумдаги замонавий ускуналар аҳоли хизматида шай. Бундан ташқари, малакали шифокорлар кўпаймоқда. Соғлиқни сақлаш соҳасига қаратилётган эътибор туфайли Қорақалпоғистоннинг чекка ҳудудларидаги оилавий поликлиникалар ҳам тикланмоқда.

— Илгари биргина муолажа учун бир кун вақтимизни сарфлашга мажбур бўлардик. Худудимизда шинам поликлиника қурилгани барчамизга қўлайлик туғдирмоқда. Оилавий поликлиникага келиб, мутахассис кўригидан ўтдим. Шароитлари жуда яхши. Хоналари ёруғ, зарур жиҳозлар билан таъминланган. Энди доимо саломатлигимизга эътиборли бўлиб, яратилган имкониятдан тўғри фойдаланамиз, — дейди Айгул Пирлеспесова.

Саломатлик наинки инсоннинг ўзи, балки жамият учун ҳам жуда катта ва бебаҳо бойлик. Ҳар томонлама соғлом инсонлардан иборат жамият эса тараққиёт сари дадил одимлайди. Шу боис, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самардорлигини янада ўскалтириш, тизимини замон талаблари, дунё тиббиёт андозалари даражасида ривожлантириш бош мақсаддир.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



yuz.uz_news



yuz.uz



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



yuz.uznews

yuz_official



15 апрель — Маданият ва санъат ходимлари куни



САҲНАДАН БАХТИНИ ТОПГАНЛАР

Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Маданият ва санъат вакиллари — бахтли инсонлар. Улар энг шарафли йўлда. Янги Ўзбекистонда соҳа вакилларига эътибор юксак поғонага кўтарилди. Хусусан, тўрт йилдирки, юртимизда Маданият ва санъат ходимлари куни нишонлаб келинмоқда. Бу рағбат соҳа вакилларининг ўз ишига меҳри, иштиёқини янада оширмоқда. Сана муносабати билан турли тадбирлар ташкил этилиб, соҳа фидойилари муносиб тақдирланмоқда. Ўтган йили 280 маданият ва санъат фидойиси мукофотланган. Бу йилги рақамлар салмоғи ҳам бундан кам эмас. Бундай инсонлар билан суҳбатларда кўнгилга илиқлик инди, юзга табассум югуради.

МАДАНИЯТ МАРКАЗИДАН — ПАРЛАМЕНТГАЧА

Гулдана АВЕЗДУРДИЕВА,
Республика туркман миллий маданий маркази раҳбари,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:

— Қайси вазифани бажарманг, унга меҳр билан ёндашсангиз, натижага эришасиз. Республика туркман миллий маданият марказида 26 йил ишлаб шуни англадим. Ишхонам — иккинчи уйимдек. Фарзандларим деярли шу ерда катта бўлди. Раҳматли қайнотам Уринбой Қурбоновни марказининг асосчиси, десам хато бўлмайди. Касби стоматолог бўлишига қарамай, узоқ йиллар миллий маданиятнинг асраб-авайлашга муносиб ҳисса қўшган. Қайнонам ҳам бу йўлда турмуш ўртоғи билан ёнма-ён ишлайди. Шунинг учунми, бу ерда фаолият юритиш бизга оилавий шараф, гурур бўлиб қолган.

2023 йили Қозоқ миллий маданият маркази “Йилнинг энг яхши миллий маданият маркази” номинациясига муносиб кўрилганда дўстона ҳавас қилгандик. 2024 йилда бу эътироф бизга ҳам nasib этди. Бу нафақат Туркман миллий маданий марказига, балки бутун туркман халқига берилган мукофот, аслида. 2024 йилда Президентимиз биз учун қувончли тарихий ҳужжатни имзолади. “Буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарор билан туркман халқининг ифтихори — Махтумқули Фироғийнинг юбилейи санаси Ўзбекистонда ҳам кенг нишонланди. Янги Ўзбекистондаги бундай хайрли ташаббуслар кўп миллатли халқимизнинг янада аҳил, бирдам яшашига сабаб бўлмоқда. Зеро, қарорда айтилганидек, Махтумқули асарлари кириб бормаган ўзбек хонадони, шерларини қўшиқ қилиб айтмаган ўзбек ҳофиз бўлмас керак. Шу маънода, шоир ижоди асрлар давомида икки

ОНАМ ТУФАЙЛИ ХАЛҚИМИЗ, ВАТАНИМ ТУФАЙЛИ ЭСА ДУНЁ ТАНИДИ

Дилноза МИРЗАЕВА,
“Йилнинг энг яхши раққосаси”
номинацияси соҳиби:

— Онам Тошкентда ўқиган. Ўшанда троллейбустга хореография билим юрти рўпарасидан сочи узун, шоирлар таърифлагандек, дилбар қизлар чиқар экан. Онам уларга ҳавас қилиб, агар қиз фарзандим бўлса, албатта, шу билим юртида ўқитаман деб ниятладим. Ўша истаги туфайли рақс тўғрагига қатнадим. Кўплаб кўрик-танловларда иштирок этдим.

Танловларнинг бирида Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби (ҳозирги Ўзбекистон давлат хореография академияси) раҳбари Шухрат Тўхтасимов мени ўқишга таклиф қилди. Онам ғоят севибди. Дадам бир оз қаршилик қилди. Чунки рақсга қизиқишмни ўтиб кетадиган шунчаки ҳавас деб ўйлаган экан. Онам барибди дадамни кўндирди. Пойтахтга келдим. Дастлаб мажмур даргоҳ тизимидаги ихтисослаштирилган хореография мактаб-интернатида ўқидим. Ўқитувчиларимиз жуда қаттиққўл бўлиб, мен билан астойдил шугуллиланарди. Дилбар Юнусова, Нигина Нигматова, Гулмира Шириновдан рақс сир-

ларини ўргандим. 2018 йили илк бор халқаро кўрик-танловга тайёрландим. Кечагидек эсимда: кучли ҳаяжонда эдим. Чет элга ҳам, самолётга ҳам биринчи бор чиқшим эди. Қозғоғистоннинг Олмаота шаҳридаги “Орлеу” танловида “Ларзон”, “Суҳайл ва Меҳри” рақсини ижро этиб, 1-ўринни олганман. 2019 йили “Ниҳол” кўрик-танловига тайёрландим. Бу мукофотни олганимдан сўнг Ўзбекистон давлат хореография академиясига имтиёзли қабул қилиндим. Академияда ўқиётган пайтмдан ҳозиргача “Навбахор” рақс ансамблида ишлаб келяпман.



СОЗАНДА ЖЎШҚИНЛИК, ЖАНГОВАР РУҲ УЙҒОТСА...

Саидкамал ТУРСУНХЎЖАЕВ,
“Йилнинг энг яхши созандаси”
номинацияси соҳиби:

— Санъат билан боғлиқ ҳаётни тарозига ўхшатаман. Унинг бир палласида оила, иккинчисида ижод туради. Бир куни оиланинг тоши оғир босади, бир куни ижоднинг. Баъзан оилага меҳр бериб, меҳр олгингиз келади. Баъзан эса ижодга шўнғиб, барини унутасиз. Ҳар иккисини меъёрида ушлаб турадиганларни ўз соҳасининг усталари деб биламан. Бироқ бундайлар жуда кам. Баъзилар санъат учун ҳамма нарсадан воз кечаман, дейди. Назаримда, бу бир оз баландпарвоз гап. Тўғри, ижодда йўлга тушиб олдингизми, ҳеч қачон тўхтамаслик керак. Бироқ айрим пайтлари “шу соҳани танламаганимда, айни вазиятда оиланинг ёнида бўлардим”, дейсиз. Ҳа, санъатнинг ташвиши ҳам, қувончи ҳам етарли. Ана шундай қийин танлов, ўйлар исканжасида қолганингизда сизни бир нарсга — ижодингизга эътибор қўтқаради. Шу маънода, биз, янги Ўзбекистон санъаткорлари — бахтли инсонларимиз.

Очиги, меҳнатингиз эътиборда бўлса, соҳага керакли инсон эканлигини ҳис қилиб ишлайсиз. Шўқри, ижод, санъат аҳлини ҳурмат қиладиган, муносиб рағбатлантирадиган юрдага яшаймиз. 2005 йилдан буён ҳукумат даражасида ўтказиладиган давлат тадбирлари ҳамда расмий қабул маросимлари, халқаро фестивалларда хизмат қиламан. Бу бизга, санъатимизга билдирилган ишонч, албатта. У куч, ғайрат бағишлайди. Ўтган йилларда қилган камтарона хизматимиз юқори баҳоладан: “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони, “Келажак бунёдкори” медалли,

“

Баъзида ҳаммасини ташлаб уйга кетаман, чарчадим, деган пайтларим ҳам бўлди. Лекин рақсини ташлаб кетиш... ўйлаб кўрсам, усиз яшай олмас эканман. Мухими, энди дадам мени қўллаб-қувватламоқда. Чунки рақсга муносабатимни тушунди. Давлат тадбирларида ёки “Шарқ тароналари” каби нуфузли фестиваллардаги қўшиқчиларимни фахрланиб томоша қилади.

Кўпчилик рақсга тушиш маза деб ўйлайди. Тўғри, рақс ижро этиш мароқли, лекин унгача бўлган машаққатларга чидаш осон эмас. Шўқри, машаққатли меҳнатларим меза берапти. Ўтган йили энг яхши раққоса деб топилдим. Аввалига бунга ишонмадим. Ахир кўплаб маҳоратли раққосалар бор-ку. Ёш бўлишимга қарамай, шунча эътибор ва эътирофдан халигача ҳаяжондаман. Онамнинг қўллови билан элга танилган раққоса бўлдим. Энди ватаним, халқимиз рағбати сабаб ўзбек рақсини дунёга танитишга ҳисса қўшаётганимдан хурсандиман.

АРТИСТМИСИЗ, БОШҚА ЙЎЛИНГИЗ ЙЎҚ

Дарина МАТВЕЕВА,
“Йилнинг энг яхши цирк артисти”
номинацияси соҳиби:

— Хореография билим юрти, Балет академиясини аъло баҳоларга тамомлаганман. Бироқ балет мен учун етарли эмасди. Ундан ўзим истаган завқ-шавқни ололмасдим. Бундан ташқари, оммавий чиқишларда рақсга тушишни истамасдим. Негадир доим бошқалардан ажралиб туришни хоҳлаганман. Бу истак мени цирк санъати томон етаклади. Унда адреналин ҳам етарли. Бироқ цирк артистлари ҳаётини хавф остига қўяди. Неча метрлаб баландликда фокуслар бажарамиз. Томошабин ҳайратини оширган трюкларда маҳоратимиз намоён бўлади. Яъни цирк артистнинг маҳорати унинг қанчалик хатарли чиқишлар қила олишига боғлиқ. Шу боис, циркда ишлаш аёллар ва эркеклар учун бирдек оғир. Ана шу машаққатни бўйнига олган одам циркни танлайди. Қисқаси, артистмисиз, бошқа йўлингиз йўқ!

Ҳар сафар юртимиз байроғини баланд кўтарганимда ўша байроқ қадар баландликларда нозик машқларни ижро этганим кўз ўнгимдан ўтади. Шунда цирк аренаси ҳам ҳаёт майдонига ўхшабини ҳис қиламан. Инсон умри давомида қанчалик машаққатларга дуч келмасин, барибди яшайдан завқ топади. Шундагина ҳаётига мазмун киради. Циркнинг ҳам қийинчиликларидан завқлана билган киши ютуқларга эришаверар экан.

Қисқа муддатда цирк санъати соҳасида энг нуфузли мукофотларни олдик. Жумладан, 2023 йилда ҳамкорим билан бирга Испаниядаги Халқаро цирк фестивалида олтин медални кўлга киритдик. Шу йили Хитойда ўтказилган Халқаро цирк фестивалида қумуш медалга эга бўлдик. Энг нуфузли мукофот — 2024 йилда Монако (Монте-Карло)да бўлиб ўтган Халқаро цирк фестивалидаги қумуш медаль бўлди.



МИЛЛИЙ САНЪАТ — ИЖОДКОРНИНГ ЭНГ ЮКСАК МАҚОМИ

Адолат ИСМОИЛОВА,
“Йилнинг энг яхши аъёнанавий аёл хонандаси”
номинацияси соҳиби:

— Аслида, эстрада йўналишида таҳсил олганман. Коллежда ўқиб юрган пайтларим ҳам мақомга у даражада қизиқмаганман. Кейинчалик мумтоз қўшиқларни тинглаб юриб, улардаги оҳанг, ижро, жозиба ва одамни ўзига жалб қиладиган сехрни пайқадим. Аста-секин мақомни яхши кўриб қолдим. Устозим Даврон ака “Имконингиз бўлса, мақом йўналишидаги қўшиқларни ҳам ижро этиб кўринг. Сиз буни уйдalayсиз, овозингиз тегири ҳам тушади. Агар шундай қилсангиз, келажакда яхшигина санъаткор бўласиз”, деб ишонч билдирди. Қолаверса, онам ҳам мақомга жуда қизиққан. Фаттоҳхон Мамадалиев ансамблида қисқа муддат фаолият юритган. Ёлғиз қиз бўлгани сабаб онаси санъат йўлидан кетишга рухсат бермаган. Бу онамга армон эди.

Онамнинг қалбига мумтоз қўшиқларимизга ҳурмат, меҳр яшайверган. Уларни севиб тинглаган, қуйлаган. Мақомга қизиқиш менга онамдан ўтган деб ўйлайман. Миллий мақомни ижро этган одам бошқа миллатларнинг ҳар қандай йўналишдаги қўшиқларини бемалол қуйлай олади, деган гап рост экан. Бироқ бу

санъатни мукаммал эгаллаш жуда мураккаб. Маҳорат, тажриба ошиб боргани сари билиш керак бўлган жиҳатлар жуда кўпчилигини тушуниб етйаман. Мақом — мартаба, даража, дегани. Ушбу санъат ижодкорнинг том маънода даражасини оширади.

Устозларимиз беҳиз “Санъатнинг нонини ейиш учун темирдан тик керак”, деганган экан. Ҳозиргача мақом илмини ўрганапман. Зеро, санъатда бир рутбага эришиш учун кўп

нарсадан воз кечиш керак. Ўзингиз истаган пайт оила даврасида бўла олайсиз. Байрамларда халқнинг хизматида туришингиз керак. Ўзига яраша чекловлар ҳам бўлади. Бошимдан ўтган бир воқеадан сўнг бунинг гувоҳи бўлдим.

Бир инсоннинг хонадонида хизмат қилишга ваъда берганимиз, йўлга чиқтарлар олиб қўйилган. Аммо сафаримиздан бир кун аввал онамининг онаси — бувим оламдан ўтиб қолди. Тадбир ўтадиган жойга бормай десам, хонадон эгалари бизга ишониб, бошқа санъаткори айтмаган. Борай десам, бувимни қайтиб кўра олайман, охириги йўлга кетаяпти. Шунда онам “Ҳар қандай вазиятда бировга берган ваъдангнинг устидан чиқишга ҳаракат қилгин. Сен, албатта, саҳнага чиқишинг, масъулиятингни адо этишинг керак”, деди. Бундан-да оғир вазиятларга дуч келгани ҳақида устозларимиз ҳам қўп айтган. Шу маънода, санъат оламида ҳар доим ҳам байрам бўлмас, ҳар куни ҳам қулиб юрмас экансиз. Аммо муҳлисларга ҳаммиса илиқ табассум, кўтаринки кайфият билан таъсир қилишга мажбурсиз.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Муножат МЎМИНОВА ёзиб олди.